

# АДОЛАТ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 28 (1249)

2019-yil 13-iyul, shanba

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини қатъий ошириб бориш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш ҳамда республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида:

1. 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилсин.

2. 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 223 000 сўм;  
ёшга доир пенсиялар — ойига 436 150 сўм;  
болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — ойига 436 150 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 267 650 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилансинки, 2019 йил 1 августдан бошлаб:

II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизга оширилади;

III гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар — пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизга оширилади;

бокувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фоизлар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб белгилансин.

4. 2019 йилнинг 1 августидан I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болалиқдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдоридан қўшимча тўлов жорий қилинсин.

5. Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетдан молиялаштирилган ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда бюджет муассасалари ва ташкилотларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларининг мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишларини таъминласин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорларини қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашини энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақи мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5723-сон Фармонига мувофиқ 2019 йилнинг 1 сентябридэн энг кам иш ҳақи миқдори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори, базавий ҳисоблаш миқдори ва пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори киритилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5723-сон Фармони 1-бандида: иккинчи хатбошидаги "577 170" рақами "634 880" рақами билан алмаштирилсин; учинчи хатбошидаги "202 730" рақами "223 000" рақами билан алмаштирилсин; тўртинчи хатбошидаги "202 730" рақами "223 000" рақами билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-5553-сон Фармони унинг 4 ва 8-бандлари истисно қилинган ҳолда 2019 йилнинг 1 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 12 июль

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ



## Сарҳисоб: Фаолиятга таҳлилий ёндашув

Жорий йилнинг 12 июль куни пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда партия Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция раҳбари Наримон Умаров жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида партия Сийёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги режалар ҳақида ахборот берди.

Таъкидланганидек, сийёсат даврида Президентимизнинг муҳим ижтимоий-сийёсий аҳамиятга эга бўлган қарор ва фармонлари, вилоятларга ташрифлардаги маърузалари мазмун-моҳияти ва фракциянинг

улардан келиб чиқувчи позицияларини шакллантириш буйича фракция йиғилишларида 10 га яқин масалалар кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари томонидан Қонунчилик палатасининг ялпи мажлислари кун тартибига киритилган барча қонун лойиҳалари буйича қизгин муҳокамаларда зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш буйича 90 мартаба таклифлар ҳамда Сайловолди дастуримизда белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, партия позициясига доир фикрлар билдириб борилди.

3-БЕТ

## СЕМИНАР

Жорий йилда мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтади. Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг барча бўғиндаги тузилмаларида сайловларга пухта ҳозирлик кўриш, таъсирчан тарғибот ва амалий ишлар орқали сайловчиларнинг дастурий мақсад-ғояларини мустақамлаш партиядошларимизнинг муҳим вазифаси саналади. Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий вилоятларида ўтказилган семинарларда шу ҳақда атрофлича сўз юритилди.

## Партияга ишонч — сайловлар оралигидаги фаолиятимиз асоси

Тошкент шаҳар. "Сийёсий жараёнларда Ўзбекистон "Адолат" СДП позицияларини мустақамлашнинг долзарб масалалари" мавзусида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган семинарда партия депутатлари ва фаоллар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, жорий йилда мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига қонуний, адолатли ва шаффоф ўтиши, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатланиши, энг муносиб номзодларнинг депутатликка сайланиши учун сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни мустақамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда, — деди Н.Умаров.

Тадбирда партия Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров сўзга чиқди. — Сайловларнинг қонуний, адолатли ва шаффоф ўтиши, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатланиши, энг муносиб номзодларнинг депутатликка сайланиши учун сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни мустақамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда, — деди Н.Умаров.

4-БЕТ

## ЙИРИК ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР — АМАЛИЁТГА!

Мамлакатимизда кейинги икки-уч йил давомида ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги шиддатли ўзгаришлар халқ манфаатларига тўла мос келиши ва унинг узоқ йиллар қутилган ҳаётини эҳтиёж-мақсалларини рўёбга чиқараётганлиги билан чуқур аҳамият касб этмоқда. Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш, саноатни ва аграр соҳани юксалтириш баробарида мамлакатни илдам тараққиёт йўлига олиб чиқишда давлат бошқарув идоралари ва фуқароларнинг ҳамкорлиги тобора салмоқли натижалар бермоқда.

## Ислохотлар халқ фойдасига ишламоқда

Самарқандда қиймати 47 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳанинг биринчи навбати ишга тушди

Самарқанд вилоят ҳокимлиги инвестициялар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Фарҳод Мажиловнинг таъкидлашича, 2019 йил давомида вилоятда умумий қиймати 278 миллион АҚШ долларига тенг 119 та инвестициявий лойиҳани амалга оширишга киришилган. Бу вилоят иқтисодиётини кескин соғломлаштириш, четдан олиб келинаётган импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, истеъмол бозорида рақобатни кучайтиришни, инновацияга асосланган янги юқори даромадли иш ўринларини яратиш орқали ислохотларни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқишга қўмаклашиши билан алоҳида мазмунга эга бўлмоқда.

Хишрав қўрғонидан барпо этилаётган қиймати 47 миллион АҚШ долларини ташкил этаётган "Азия-Металл-Проф" корхонаси ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири ҳисобланади. Бу ерда полимерланган ва рух қопламали металл ўрамалар, шунингдек, металл қувурлар, профиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Хитой Халқ Республикасининг "Кинг оф салес Ко ЛТД" компанияси билан ҳамкорликда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Шуни айтиш лозимки, саноатда ва қурилишда кенг ишлатиладиган полимерланган ва рух қопламали металл ўрамалари республикамизга четдан валюта ҳисобига олиб келинмоқда.

Самарқанд шаҳрининг

5-БЕТ

## ОЧИҒИНИ АЙТГАНДА...

### Ошкоралик ва сўз эркинлиги — ҳаётимиз мезони

Матбуот, оммавий ахборот воситалари ҳамма замонларда ҳам халқ билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келган. Ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларни, жамиятнинг тараққиёт йўлларини инсонларнинг тақдири билан узвий бирликда акс эттиришга, ҳақнинг, миллатнинг орзу-уйғари, мақсадларини ёрқин очиб беришга, адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришга, ўтмиш ва келажак йўлларини ҳаққоний ёритишга интилиб келган. Тўғри, матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ишонч юксалган, унга эътибор сусайган даврлар ҳам бўлган. Сир эмас, сўнги пайтларда матбуотнинг таъсир кучи бироз камайган эди. Оммавий ахборот воситаларида мақтовлар ошиб-тошган, ҳаёт ҳақиқатида бироз чекинлик юзага келган. Не бахтки, кейинги икки-уч йил ичида матбуотда бундай жараёнлар бир қадар барҳам топди. Матбуотнинг сўзи жонланди. Газеталар саҳифаларида ҳаёт ҳақиқати таҳлилий ва танқидий, баҳс ва мунозаралар, мушоҳадага чорловчи мақолалар берилмоқда. Очқоқлик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги буғунги ҳаётимиз мезонига айланмоқда. Зеро, юртимизнинг тараққиёти ва юксалиши учун ҳам бу ниҳоятда зарур.

Шунинг учун ҳам Президентимиз бу йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан йўллаган табрида "Кейинги пайтда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар таҳлилий, соғлом



танқидий руҳ кучайиб бораётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки бундай тенденция ислохотларимиз самарасини оширишга, жамоатчилик назоратини, фуқароларимиз ижтимоий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, барча даражадаги раҳбар ва мутасаддиларни эл-юрт фикри билан, замон талаблари билан ҳисобланган ҳолда ишлашга ўргатади. Албатта, ўзининг билим ва салоҳиятига, ишчанлик фазилатларига ишонган раҳбар танқиддан қўрқмайди, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни халқ билан мулоқотнинг самарали воситаси, деб билади", дея эътироф этганди.

Муштарийлар мактублари, арзномаларига эътибор, танқид ва танқиддан ҳўлоса чиқариш ҳисси, ҳаётда янгилинишлар учун ҳаракат эндиликда таҳририятимизга келаятган танқидий мақолалар, уларга мутасадди ташкилотлардан келаятган расмий жавоблар, газетхонларнинг таклиф ва мулоҳазаларида ҳам ифодасини топмоқда. Ёшон қилаётганимиз мутасадди ташкилотларнинг танқидий мақолалар юзасидан расмий жавоблари ҳам амалга ошириляётгани ишларнинг бир қисми ҳисобланади.

8-БЕТ

# Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш – юқори ҳосилдорлик ва даромад гарови

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июль куни Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводини ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари билан танишди.



Қишлоқ хўжалигида техника паркинни мустаҳкамламай туриб сифат ва самардорликка эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда йиллар мобайнида турли қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва чуқур маҳаллийлаштиришга етарли эътибор берилмагани оқибатида техника паркиннинг йиллик янгилаш даражаси 2-3 фоиздан ошмас эди.

Маълумки, Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи (собиқ Тошкент трактор заводи) ҳам кучли иқтисодий рақобатга, замонавий бозор талабларига дош беролмай қолганди. Оқибатда бир пайтлар гуржираб ишлаган корхонанинг бино ва линиялари қаровсизликдан тўкилиб бораётганди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2016-2017 йилларда корхонада рақобатбардошликни таъминлаш, тракторлар, тиркама ва пахта териш машиналари тайёрлашни янги сифат даражасига кўтариш мақсадида ишлаб чиқариш линияларини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жихозлаш бўйича инвестициявий лойиҳа амалга оширилди. Унинг биринчи босқичида қора ва рангли металлари пайвандлаш, қайта ишлаш, штамплаш, трактор кабиналари ясаш ва бошқа турдаги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш, бўяш линиялари ишга туширилди.

Жаҳондаги илгор тажрибани ўрганиш ва кучли рақобатга чидамли замонавий техника воситалари ишлаб чиқариш учун АҚШ, Жанубий Корея ва Беларусь Республикасининг қишлоқ хўжалиги машинасозлигига иxtисослашган етакчи компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш учун соҳадаги ислохотларга янги суруят бағишлаш, тармоқда рентабелликни ошириш талаб этилади. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи заводга катта ўзгаришлар олиб келади. Корхона негизда янги заводлар ишга туширилиб, том маънода қишлоқ хўжалиги машинасозлиги санаоти барпо этилади.

Жумладан, локализация даражасини ошириб, импортни қисқартириш мақсадида бу ерда 5 та корхона ташкил этиш режалаштирилган. Улардан бири умумий қиймати 42 миллион доллар бўлган металл қўйиш корхонасидир. Заводнинг 3 гектарлик бўш турган биносиде ташкил этиладиган корхонада йилига 47 минг тонна халқаро стандартларга жавоб берадиган, юқори аниқликдаги металл қисмлар кўйилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона учун мўлжалланган бинони кириб кўрди.

Машинасозлик корхоналари учун металл қўйиш қуввати — энг муҳим масала. Бунингсиз маҳаллийлаштириш, махсулот турларини кўпайтириш ва таннархини пасайтиришга эришиб бўлмайди. Бу корхоналарни ишга туширсак, техникаларимиз рақобатбардош бўлади, фермерларимизга

ҳамёнбоб махсулотлар етказиб берилади, деди Шавкат Мирзиёев.

Умумий қиймати 24 миллион доллар бўлган яна 4 та лойиҳа трансмиссия валлари, гилдирак дисклари, кабиналар ва маҳкамловчи темир буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган. Ушбу лойиҳаларни ишга тушириш натижасида соҳада маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоизга етказилади, махсулот таннархи 32 фоизга ва импорт йилгига 116 миллион долларга камадаи.

Шунингдек, бу янги қувватлар нафақат «Ўзгروتехсаноатхолдинг» корхоналари, балки «Ўзавтосаноат» тизимида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, юк машиналари ва автобуслар учун ҳам бутловчи қисмларни кооперация асосида етказиб беришни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мазкур лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириб, келгуси йил ишга тушириш зарурлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев трактор йиғиши ва пайвандлаш цехлари, «Uz Claas Agro» Ўзбекистон – Германия қўшма корхонасидаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

«Uz Claas Agro» қўшма корхонасида 4 та ишлаб чиқариш қуввати мавжуд бўлиб, улар Германиянинг «Claas Central Asia Investment» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Dominator 130» комбайни, «Ariop 630» ҳайдов трактори ва тиркама шундай русумдаги техника воситаларига қараганда унумдорлиги билан ажралиб туради. Барча турдаги техника воситалари зарур сертификатларга эга, халқаро стандартларга мос.

Президентимизга қўшма корхона томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, махсулот турлари ва корхонани ривожлантириш истиқболлари ҳақида маълумот берилди. Давла-

тимиз раҳбари локализация даражасини ошириш, янги қисмлар ва махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида аграр соҳа машинасозлигини ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказди.

Тармоқда бозор механизмлари жорий этилаётгани, галла ва пахтанинг харид нархи оширилгани, мева-сабзавотлар экспорти кенгаётгани натижасида деҳқон ва фермерларимизнинг даромадлари изчил ортиб бормоқда. Энди улар янги-янги техникалар олиб, иш самардорлиги ва махсулотлар сифатини оширишга ҳаракат қилмоқда.

2018 йилда фермерларга 11,5 минг донна техника етказиб берилган. Утган йили 10 миллион доллар, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 15 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги техникаси экспорт қилинган.

Лекин бу мавжуд салоҳият ва талабга нисбатан жуда кам. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида йилига 11 мингдан зиёд техникага, жумладан, 4 мингдан трактор, 500 та комбайн ва 5 мингдан зиёд осма-тиркама техникага эҳтиёт мавжуд. Бундан ташқари, 2022 йилгача 263 минг гектар, 2025 йилгача яна 1 миллион гектардан зиёд ерлар қайта фойдаланишга киритилиши боис бу эҳтиёт янада ошади.

Ҳозирги кунда мавжуд техникаларнинг 46 фоизи кўп мuddатдан буён фойдаланишда бўлиб, яроқсиз ахволда келиб қолган. Фермерлардаги техниканинг 97 фоизи пахта ва галла учун мўлжалланган.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни ривожлантириш, махсулот ва хизматлар турларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Жорий йил 1 октябрдан бошлаб иқтисодиётнинг барча жабхалари

қатори ушбу соҳада ҳам солиқ имтиёзлари бекор қилинаётгани тармоқ корхоналаридан янада фасол ишлашни талаб қилиши қайд этилди.

Авалло бозорбоб техникалар ишлаб чиқариш, таннархни камайтириш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш корхоналар олдидаги энг муҳим вазифалар бўлиши кераклиги таъкидланди.

Кабина, бошқарув тизими, гилдирак, тезлик узатгич, осма тизимлар каби асосий қисмлар локализация даражасини 32 фоиздан 56 фоизга етказиб, таннархни 30 фоизгача арзонлаштириш, шунингдек, маҳаллий корхоналар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш орқали йиллик импортни 20 миллион долларга қисқартириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Фермерларни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашнинг барқарор молиявий механизмларини яратиш, техникаларга сервис ва таъмирлаш хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар етказиб беришни яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Қишлоқ хўжалиги техникасини сертификатлаш тизимини такомиллаштириш, тайёр махсулотлар билан бирга хизматлар экспортини ҳам кенгайтириш вазифаси қўйилди. Замонавий техникалар ишлаб чиқарувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи малакали мутасаддилар тийёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бизга рақобатбардош техника керак, қўшимча қиймат зарур. Тизим корхоналарида минглаб одамлар ишлаши лозим. Бугун белгиланган мақсадларни ким амалга оширади? Мутахассис. Нима амалга оширади? Ақл, билим, меҳнат, деди Президентимиз.

Йиғилишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш режалари юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
ЎЗА мухбири

## ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимларни билиши ва қундалик ҳаётда қўллаи олишига эришиш устувор вазифаларимиздан бири саналади.

# «Конституция хийбони» барпо этилади

Давлатимиз раҳбарининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида «Конституция хийбони» барпо этиш ҳақидаги таклифи худудларда маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан ўрганилмоқда.

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг жорий йил 27 июнда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан вилоятнинг туман, (шаҳар) марказларида «Конституция хийбони»ни ташкил этиш, унинг марказига Бош қомусимизнинг рамзий монументини ўрнатиш таклифи юзасидан фикр-мулоҳазалар тингланди.

Таклифга кўра, худудларда «Конституция хийбони» аҳоли дам олиш масканларидан бирида ташкил этилиб, унда Олий Мажлис палаталари, суд ҳокимияти, Вазирам Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари ҳақида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар, Конституцияимизнинг олти бўлими бўйича мезёрлар бўлган ҳақидаги кўрсатилган замонавий электрон воситаларга жойлаштирилади.

Бундай лойиҳанинг дам олиш масканларида ташкил этилишида, энг аввало, ушбу жойларда аҳолининг, ёшларнинг доимий гавжумлиги назарда тутилган, бу эса Бош қомусимизга фуқароларнинг эътибори ва қизиқилишн оширишга хизмат қилади.

Ушбу хийбонлар худудларнинг инновацион ҳуқуқий тарғиб масканига айланади, — деди сессияда сўзга чиққан халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгаши раиси Рустам Ҳайитов. — Замонавий медиа-аудиовизуал ва бошқа кўргазмели воситалар асосида яратилган «Конституция хийбони» аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишда, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Албатта, «Конституция хийбони» аҳолининг дам олиш масканларидан бири бўлиб, айни вақтда бу ерда Конституция ва бошқа қонунларнинг мазмун-моҳиятини қизиқарли кўргазмели воситалар орқали тарғиб этилади.

Бунинг учун хийбон марказига элтувчи олти йўлак ташкил

қилиш ва йўлақлар ўртасидаги майдонларга давлат рамзлари, Олий Мажлис палаталари, суд ҳокимияти, Вазирам Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ маълумотларни замонавий электрон воситалар ёрдамида ўрнатиш лозим бўлади.

Айниқса, ўриндиқлар ёнига инновацион кўринишга эга бўлган кичик ҳажмдаги китоб жавонлари ўрнатишга, уларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишлаб chop этилган турли буклет, флаер, брошюралар жойлаштирилса, йўлақлар бўйлаб замонавий кўринишдаги радиокарнайлар ва инновацион ёритиш чироқлари ишга туширилса, янада самаралироқ бўлади.

Сессия қарорига мувофиқ, мутасадди ташкилотларга «Конституция хийбони»ни туман ва шаҳарларда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тайёрлаш, вилоят қурилиш бош бошқармасига ўн беш кунлик муддатда мазкур хийбон лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалари топширилди. Аҳолининг турли қатламлари, шунингдек, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ҳуқуқий тарғибнинг замонавий усулларини жорий этиш, аҳолининг қонунчилик моҳияти тўғрисида хабардорлигини таъминлаш, бунда кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш лозимлиги қайд этилди.

Видеоселектор тарзида ўтган йиғилишда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳам қатнашди. Сессия қарорига кўра вилоятдаги ҳар бир туман, шаҳар марказларида «Конституция хийбони»ни ташкил этиш бўйича халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари таклиф ва ташаббуслари билан амалий ёрдам бериши лозим.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг «Ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари» доимий комиссиясига амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот бериб бориш вазифаси топширилиб, қарор ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатилди.

**Нуриддин РАЖАБОВ,**  
Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби

# 91 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди

## БИР ОЙДА БИР ИШ ЎРНИ

Очигини айтганда, меҳнатга лаёқатли, қўлидан бирор иш келган ҳолда ёки тайинли касб-кори бўла туриб ишсиз қолишдан ёмони йўқ. Ҳалол ишлаб топган маблагини ўз эҳтиёжинг, оиланг фаровонлиги учун сарфлашга нима етсин?!

Юртимизнинг барча худудларида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш давлат ва нодавлат ташкилотларининг доимий диққат марказида бўлиб келаётганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жорий йилдан бошлаб амалиётга татбиқ этиб келинаётган «Бир ойда бир иш ўрни» лойиҳаси доирасида партиянинг барча бўғиндаги тузилмалари бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли худудларда юзлаб фуқаролар ишли бўлишди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Қашқадарё вилоятидаги партия фаоллари 91 нафар фуқарони ишга жойлаштиришга эришишди. Бу, албатта, шунча

хонадонда ижтимоий муаммо бартараф этилиб, фаровонлик таъминланганлигини ҳам кўрсатади.

Вилоят партия кенгашига ҳар қуни фуқаролар турли масалаларда мурожаат қилиб келишади. Уларнинг орасида иш масаласида ёрдам сўраб қилинган мурожаатлар ҳам бор. Асосийси, «адолатчи»лардан кўмак сўраб келган ҳар бир фуқарони партия фаоллари тинглаб, уларга ёрдам беришга интиломқда.

— Ўз турмуш тажрибамдан келиб чиқиб, одамларга меҳр-оқибатли бўлинг, бир-бирингизни асраб-авайланг, инсофли, диннатли бўлинг, дегим келади, — дейди биз билан суҳбатда Қарши шаҳридаги «Маҳаллот» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Шахло Пулатова. — Кўнгил кўнгилдан сув ичади, деган ҳикмати ҳар доим қадрлашимиз керак. Мен анча йиллар ишсизлик-

дан қийналган эдим. Ишга жойлашимда амалий ёрдам бериши сўраб турли идораларга мурожаат қилдим. Афсуски, жўяли жавоб ололмадим. 2019 йилнинг 4 июни куни «Адолат» партиясининг вилоят кенгашига мурожаат қилган эдим. Партия фаолларининг ташаббускорлиги, тезкор саъй-ҳаракатлари натижасида 8 июнь куни Қарши шаҳар тиббиёт ёрдам сўраб кўпгина ташкилотларга мурожаат қилганман. Бирок натижа бўлмаган. Шу йилнинг 3 июнь куни Ўзбекистон «Адолат» СДП Шаҳрисабз шаҳар кенгашига ёрдам сўраб ариза топширдим. Муаммоим ечим топди.

«Адолатчи»лар аралашуви эвазига 19 июнь куни «Микрокредит банк»нинг туман филиалидан кредит олиб, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтдим ва ишбилармонлик фаолиятини бошладим. Иссиқхона қуриб, эл дастурхони учун сабзавот махсулотлари еттиштирялман.

Партия фаолларининг аралашуви билан Яққабоб туманининг

мактабида инглиз тили ўқувчиси сифатида ишга жойлашдим.

— Иш тополмаганимдан бошим қотиб, нима қилишимни билмай овора эдим. — дейди «Ипак йўли» маҳалласида яшовчи Ферузбек Убайдуллаев. — Тўғриси, ёрдам сўраб кўпгина ташкилотларга мурожаат қилганман. Бирок натижа бўлмаган. Шу йилнинг 3 июнь куни Ўзбекистон «Адолат» СДП Шаҳрисабз шаҳар кенгашига ёрдам сўраб ариза топширдим. Муаммоим ечим топди. «Адолатчи»лар аралашуви эвазига 19 июнь куни «Микрокредит банк»нинг туман филиалидан кредит олиб, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтдим ва ишбилармонлик фаолиятини бошладим. Иссиқхона қуриб, эл дастурхони учун сабзавот махсулотлари еттиштирялман.

Партия фаолларининг аралашуви билан Яққабоб туманининг

«Яққабоб» маҳалласида яшовчи Сумбула Бобомуродова жорий йилнинг 10 март куни туман тиббиёт бирлашмасига, миришкорлик Актам Ҳайдаров йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига, Муборак туманидан Гулнора Эшбоева 1 апрель куни «Тон» МФИда муқим иш жойига эга бўлди. Биз партиядан кўмак олган қайси фуқаро билан суҳбат қилмайлик, партиядошларимиз шаънига илқ сўзлар айтишди.

Дарҳақиқат, айни пайтда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғуллаётган 91 нафар фуқаронинг барчаси фаровон ҳаёт кечирапти. Демак, партиядошларимизнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмабди. «Адолат»дан наҳот топаётганлар сони эса кун сайин ортиб бораётди.

**Комил САХАТОВ,**  
Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот котиби





## МУНОСАБАТ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги байрами тобора яқинлашиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори энг улуғ, энг азиз умумхалқ байрамимизни муносиб кутиб олишга барчамизни руҳлантириб юборди.

# ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Мазкур ҳужжатда эътироф этилгандек, буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгариллаб бормоқда. Шу сабаб ҳар йили истиқлолга эришилган кун ҳурлик, тинчлик ва бағрикенглик байрами сифатида нишонланади.



Мадаминжон МҲМИНОВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Андижон вилоят кенгаши  
раиси

Яратувчилик меҳнат билан байрамга муносиб тўхталар ҳозирлаш эзгу анъанага айланганлиги эътиборга молик. Айниқса, кейинги икки-уч йил ичида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, янгилашлар ҳар бир ҳудудни обод этиш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашни, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси бизни ривожланишнинг истиқболли йўллари оғиб чиқмоқда. Эришилаётган ютуқлар юртимизда мустаҳкам тинчлик ва осойишталик қарор тоғанидан далолатдир. Амалга оширилаётган туб ислохотларнинг кўлами ва шиддати вилоятимизнинг шахар ва туманларида ҳам ўз ифодасини топиб, юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга кўркам қиёфа касб этмоқда.

Қарорда кўрсатиб ўтилгандек, биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар — аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ушбу мақсадларга қаратилган саъй-ҳаракатларда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзолари ҳам фаол иш олиб бормоқда. Буни партияимизнинг “Бир ойда бир иш ўрни”, “Саломатлик йўлида бирлашайлик” лойиҳалари доирасида аҳолининг бандлигини таъминлаш, соғлом авлодни камолга етказиш ва ёшларнинг таълим-тарбияси борасида партиядошларимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, вилоятимизда жорий йилнинг июнь ойида сафдошларимиз кўмаги билан 16 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Уларнинг аксарияти вақтинча ишсиз ўйда ўтирган хотин-қизлар эканини инобатга олсак, шунча оиланинг ҳаёт сифати яхшилангани билан тасаввур қиламиз.

Электротартибнинг кўпчилигини ташкил этадиган тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, туб ислохотларни соҳа фаолиятга татбиқ этишга ҳисса қўшмоқдалар. Вилоят партия кенгаши томонидан шу мақсадга қаратилган иккита акция ҳудудга уюшқоқлик билан ўтказилди. Жойларда ташкил этилган тиббий кўриқлар 600 нафардан зиёд фуқаронинг соғломлаштирилишига хизмат қилди. Бу борада айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва кексаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Истиқлол шукуҳи шу кунларда барчаннинг кўнглига хушнудлик ва ифтихор бағишламоқда. Тинчликсевар, бағрикенг халқимиз шундай тинч юрда яшашдек бебаҳо нёъматни юксак қадрлайди, бундай бахтга шукрона келтириб, Ватан равнақиға муносиб ҳисса қўшишга интилади. Тинч осуда юртва байрамлар ярашади.

Президентимиз қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда барча юртдошларимиз қатори андижонлик партиядошларимиз ҳам фаол иштирок этадилар.

## АДЛИЯ МИНБАРИ


Термиз туман адлия бўлими томонидан Термиз туманида фаолият юритаётган “Шерали полвон Қобилжон ўғли” хусусий фирмаси бошлиғи Қ.Убаев АТБ “Микрокредитбанк” Термиз туман филиалига тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 800 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратишни сўраб, жорий йилнинг февраль ойида мурожаат этган бўлса-да, 3 ойдан ортиқ муддат давомида ушбу кредит маблағи ажратилмаётганидан ва бунинг натижасида тадбиркор фаолият юритишида тўсқинликлар пайдо бўлаётганидан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганилди.

# Тақдимнома киритилгач, КРЕДИТ МАБЛАҒИ АЖРАТИЛДИ

Фуқаролик кодексининг 744-моддасида: “Кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчиси эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фойзалар тўлаш мажбуриятини олади”, деб қайд этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 34-моддасида: “Банклар қонун ҳужжатларига му-

вофиқ кўчар ва кўчмас мулкни гаровга қўйиш, кафолат бериш, кафиликка олиш ва мажбуриятлар асосида кредит берадилар”, деб қайд этилган. Марказий банк бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги “Кичик тадбиркорлик субъектларининг миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги” қарори билан тасдиқланган Низомнинг 26-бандида: “Қарз олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, тижорат банкнинг кредит қўмитаси томонидан ушбу ариза бўйича асослантирилган

ҳолда қарор қабул қилиш муддати уч иш кунидан ошмаслиги лозим”, деб қайд этилган бўлса-да, АТБ “Микрокредитбанк” Термиз туман филиали ва “Шерали полвон Қобилжон ўғли” хусусий фирмаси ўрта-сида 2019 йил 21 май куни 356-сонли кредит шартномаси расмийлаштирилган ва шу куннинг ўзига Термиз туман нотариал идораси орқали банк томонидан берилган 800 миллион сўм миқдордаги кредит маблағи ажратиш учун “Шерали полвон Қобилжон ўғли” хусусий фирмасига тегишли Термиз тумани “А.Навоий” маҳалласида жой-



лашган “Қурилиш тугалланмаган тўйхона биносининг” ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи билан гаровга қўйилган. Банк филиали томонидан АТБ “Микрокредитбанк” республика бошқаруви томонидан рухсат берилмаганлиги ва бошқа турли хил ваҳлар билан кредит маблағи асосиз равишда ажратилмасдан тадбиркорнинг мулкий ҳуқуқлари бузилишига олиб келинганлиги сабабли, ушбу мурожаатни ўрганиш натижалари юзасидан Термиз туман адлия бўлими томонидан 2019 йил 23 май куни АТБ “Микрокредитбанк” Сурхондарё ви-

лоят минтақавий филиалига қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш ва “Шерали полвон Қобилжон ўғли” хусусий фирмаси бошлиғи Қ.Убаевнинг мурожаатида қайд этиб ўтилган ваҳларни қонуний ҳал этиш, яъни тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 800 миллион сўм миқдордаги кредит маблағини ажратишни сўраб тақдимнома киритилди. “Микрокредитбанк” АТБ вилоят минтақавий филиали томонидан берилган маълумотга қўра, ушбу тақдимнома ижроси юзасидан жорий йил 3 июнь куни хусусий фирмага жами 800 миллион сўм миқдордаги кредит маблағи ажратилгани маълум қилинди. **Баҳодир АШУРОВ,**  
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

# Ислохотлар халқ фойдасига ишламоқда

Давоми.  
Бошланғич 1-бетда

Самарқанддаги “Азия-Металл-Проф” корхонаси эса йилига 60 минг тонна полимерланган ва 60 минг тонна руҳ қопламали металл ўрамалар ишлаб чиқариб, мамлакатимиздаги маҳаллий буюртмачиларнинг шу турдаги маҳсулотга бўлган эҳтиёжини 20 фоизга қоплай олади. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи мазкур саноат гиганти Марказий Осиёда ҳам ягона эканлигини назарда тутсак, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш экспорт имкониятларини ҳам кенгайтиришга хизмат қилишини тушуниш қийин эмас.

Корхона бош технологи Бахтиёр Тўраевнинг айтишича, полимерланган ва руҳ қопламали металл ўрамаларини тайёрлаш ниҳоятда аниқликни ва юқори касбий малакани талаб этадиган иш. Шу боис корxonанинг биринчи навбатини ишга тушириш чоғида Хитой, Россия сингари мамлакатлардан 50 нафар юқори малаkali мутахассис ишга жалб этилди. Улар уч йил давомида технологик ускуналарнинг юқори унум билан бе-



нуқсон бошқарилишини таъминлаш билан бирга, ёшларга касб сирларини ҳам ўргатишди.

Хозир корxonада қиймати 16 миллион АҚШ долларига тенг Европа ва Хитой технологик қурилмаларини монтаж қилиш пешма-пеш ниҳоясига етказилмоқда. Қурилиш ишлари тезкорлик билан амалга оширилиб, ассосий цехлар ва ёрдмчи ин-

шоотлар сифатли барпо этилмоқда. Четдан қараган кишига илгари шахарнинг улкан чиқиндиҳонасига тутташиб кетган 15 гектарлик майдон салобатли бинолар билан кўркам қиёфа касб этаётганлиги чўқур қониқиш пайдо қилади. Аввал битта ҳам дарахт экилмаган, паст-ба-ланд ташландиқ ерда энди чинакамига ҳаёт қайнамоқда.

Айни чоғда бу ерда 300 га яқин қурувчи, мутахассис, техник, лойиҳаловчи меҳнат қилмоқда. — Урган эркин иқтисодий зонаси таркибида фаолият юритаётганимиз бизга кўпгина имтиёزلарни тақриф этмоқда, — дейди корхона бош муҳандиси Шодмон Атауллоев. — Хусусан,

сулот сифатида металл қувурлар ва профиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Ана шу икки турдаги маҳсулотдан йил охиригача 40 минг тонна тайёрланганимиз бизга кўпгина имтиёزلарни тақриф этмоқда, — дейди корхона бош муҳандиси Шодмон Атауллоев. — Хусусан,

Дарвоқе, “Азия-Металл-Проф” МЧЖ корхонаси ноябрь ойида тўлиқ ишга туширилгач, бу ерда йилига 160 минг тонна полимерланган ва руҳ қопламали металл ўрамалар, шунингдек, турли ўлчамдаги қувурлар тайёрланади. Еки истемол бозорига етказилган маҳсулотнинг умумий қиймати 130 миллион АҚШ долларини ташкил этади. 450 та янги иш ўрни яратилади. Талаб эса — фақат инновацияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришга, юқори сифат ва даромад!

— “Азия-Металл-Проф” ва унга ўхшаш истиқболли лойиҳалар ислохотлар халқ фойдасига ишлаётганини яққол намоён этмоқда, — дейди халқ депутатлари Самарқанд шахар Кенгаши депутаты Муҳиба Бобобекова. — Аслини олганда ҳар битта лойиҳанинг ташаббускори тадбиркорларнинг ёки фуқароларнинг ўзлари. Давлат ва бошқарув идоралари эса уларни қўллаб-қувватляпти. Демак, фаровон ҳаёт учун кураш ва изланишлар ўзаро мустаҳкам ишонч ҳамда ватанпарварлик туйғуларни мужассам бўлган бундай ҳамкорлик тараққийимизга хизмат қилиб, албатта, биз кутган натижаларни бераверади.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,  
“Адолат” мухбири

## ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда юз бераётган муҳим ва тарихий ўзгаришлардан бири валюта сисёатини эркинлаштириш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислохотлардир.

Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сисёатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан дастлабки қадам қўйилди. Ушбу ҳужжат асосида 2017 йилнинг сентябрига қадар мавжуд бўлган валюта муомаласи соҳасининг ҳалдан зиёд маъмурий тартибга солинганлиги, алоҳида ҳужжат қўйилган объектлар учун имтиёз ва преференцияларнинг асосиз равишда тақдим қилиниши натижасида бизнес юритишда тенг бўлмаган шарт-шароитларнинг вужудга келганлиги ҳолатларига барҳам берилди.

Валюта операцияларини амалга оширишда резидентлар ва норезидентларнинг чет эл валютасидаги маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини ҳамда валюта операцияларининг барча жабҳаларида очилкини таъминлашга эришилди.

Бозор тамойиллари асосида валюта ресурслари оқимининг самардорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, шунингдек, ташқи савдода валюта сисёатининг рағбатлантирувчи ролини ошириш мақсадида миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан айирбошлаш курси фақатгина валюта биржасининг банклараро электрон савдоларида валютага бўлган талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда белгиланмоқда.

Парламентимизнинг қўйи палатасида кўриб чиқилаётган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси мазкур фармон ижросига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Янги таҳрирдаги лойиҳада валютани тартибга



Абдугани УМИРОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
фракцияси аъзоси

солиш соҳасидаги давлат сисёатини амалга оширишда иқтисодий чораларнинг устуворлигини, валюта операцияларига давлат органларининг ноқонуний аралашувиға йўл қўймасликни, валюта курсини аниқлашда фақатгина бозор механизмларини қўллашни назарда тутуви қондалар белгиланмоқда. Шунингдек, амалдаги қонундаги баъзи нормалар ўзининг долзарблигини йўқотгани сабабли тубдан қайта кўриб чиқилмоқда.

Киритилаётган ўзгартиришлар эса бир неча йўналишдан иборат.

Биринчидан, лойиҳада валютани тартибга солиш, валютани назорат қилишнинг мақсад ва вазифалари кўрсатиб ўтилмоқда. Яъни резидентлар ва норезидентлар томонидан валюта операцияларини ўтказиш тартиблари, бу операцияларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигиға мувофиқлигини аниқлаш ва назоратни амалга ошириш вазифаси белгиланмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валютани тартибга солувчи давлат органи сифатидаги

# Валютани тартибга солишга доир қонун

## ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Валюта сисёатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан дастлабки қадам қўйилди.

Учинчидан, халқаро таҳрибадан келиб чиқиб, ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш тушунчаси, шунингдек, унга бўлган талаблар акс эттирилмоқда. Қонун лойиҳасидан ўрин олган нормаларға мувофиқ, активларни репатриация қилиш норезидент мажбуриятларининг бажарилиши ҳисобига активларнинг Ўзбекистон Республикасига тушумини таъминлаш ҳисобланади. Қонун лойиҳаси билан валюта операциялари турларини аниқлаш мақсадида, норезидент мажбурияти юзага келган санадан бошлаб ташқи савдо операциялари бўйича репатриация муддати 180 кундан ошган тақдирда мазкур операция капитал ҳаракати операцияси сифатида таснифланиши қайд этилмоқда.

Тўртинчидан, лойиҳада бугунги кунда амалиётда учрайдиган валюта операцияларининг барчасини қамраб олиш ва уларни турларға ажратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, валюта операциялари турлари амалиётдан келиб чиққан ҳолда кенгайтирилмоқда ва аниқлаштирилмоқда. Хусусан, валюта операциялари ички ва халқаро (трансчегаравий) операцияларға ажратилмоқда. Ўз навбатида, халқаро (трансчегаравий) валюта операциялари жорий халқаро операциялар ва капитал ҳаракати (капитал ўтказмалар) операцияларига бўлинмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилаётган ички валюта операциялари валюта операцияларининг янги тури сифатида белгиланаёпти. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси банкларининг валюта операцияларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, Марказий банкнинг жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришға, терроризм ва оммавий қирғин қуролиларини тарқатишни молиялаштиришға қарши курашиш мақсадида ҳамда Халқаро валюта жағнамаси Келишув моддалари доирасидаги мажбуриятларға риоя қилган ҳолда, тўлов баланси барқарорлигиға таҳдид мавжуд бўлганда валюта операцияларини амалга оширишға чекловлар ўрнатиш ҳуқуқи алоҳида кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотиш имконияти ва миллий валюта айирбошлаш курсининг бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда белгиланиши мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги ва рентабеллигини ошириш билан бир қаторда, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қўпайтириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги технологиялар ва bilimларни жалб қилиш, экспорт имкониятларини кенгайтиришға хизмат қилади.

## Камчиликлар барҳам топди

### ЭЛЕКТР, ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Мавжуд муаммоларга ечим топиш, шу мақсадда бошлаган ҳар бир ишни охирига етказиш, ваъдасининг устидан чиқиш орқали сайловчилар ишончини оқлаш депутатнинг бурчи ва масъулиятли вазифаси саналади. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари шу мақсадда маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб, очик мулоқотлар олиб боришмоқда.

## Боғча барпо этилди

Депутатлик гуруҳи аъзоси Бахтиёр Матякубовни ҳам ҳар доим хайрли ишлар бошида учратамиз. Жорий йилнинг январь ойида "Ашхобод" МФИда яшовчи сайловчилар билан учрашганда улар маҳаллада мактабгача таълим муассасаси йўқлиги борасида мурожаат қилишган эди. — Кўп ўтмай Бахтиёр Матякубовнинг сазойи-ҳаракати билан маҳалламизда 120 ўринга мўлжалланган давлат-шериклиги асосидаги нодавлат мактабгача таълим муассасаси биносини қуриш ишлари бошлаб юборилди, — дейди маҳалла раиси Шавкат Раҳметов. — Янги боғча бизга ваъда қилинган вақтда, яъни жорий йилнинг 1 июль кунини фойдаланишга топширилди. Ота-оналар ва болажонлар учун қулайлик яратилди, шу билан бирга, бу максадда 15 та янги иш ўрни очилди. Боғча олдида барпо этилган шахмат-шашка майдончаси кичиктоилар билан гавжум.

Депутат ташаббуси билан сунъий қопламали мини футбол майдончасининг ишга туширилиши маҳалламиз ёшлари учун аjoyиб совға бўлди. Нафақат болалар, хотин-қизлар ўртасида оммавий спорт турларини ривожлантиришга ҳисса қўшилди. Ушбу майдончада "Адолат кубоги" учун мусобақалар ўтказилмоқда.

Маҳаллада депутат кўмаги билан 4 гектар майдонда янги иссиқхона ишга туширилиб, бу ерда ўн саккизта иш ўрни яратилди. Мухими, 15 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.



Депутатлик гуруҳининг сазойи-ҳаракати натижасида, "Боғот — Янгиарик — Хива" йўлининг "Янги қадам" шаҳарчаси худудидан ўтувчи 4-, 6-километрлик жорий таъмирланди. Автомобиль йўлининг 4, 44-умумтаълим мактабларига яқин ўтган қисмларида пидедалар ўтиш жойини билдирувчи чизиклар чизиб қўйилди.

Партия депутатлик гуруҳи аъзоси Мансур Махмудов "Гулшан" маҳалласи аҳли билан учрашганда сайловчилар томорқаларни сугоришда муаммо борлиги, сув келтириш учун ўрнатилган насосни ишлатишга монелик қилинаётганини айтишди. Бу муаммо шу жойнинг ўзида бартараф этилди ва мавжуд сув насоси ишга туширилди. Ердан унумли фойдаланиш учун экин майдонига, жумладан, томорқага ҳам сув керак.

М.Махмудовга кам таъминланган оила аъзоси Тўхтажон Абдурахмонова тўрт нафар фарзандининг уч нафари туғма ногиронлиги боис моддий жиҳатдан қийналаётгани, уйда қурилиш ишларини амалга оширишга маблағ зарурлигини баён қилди. Ҳомийлар кўмагида Т.Абдурахмонованинг уйда зарур қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Урганч туманининг "Оқ ариқлар" маҳалласидаги айрим ички йўллар таъмирталаб эканлиги пидедалар ва транспорт воситаларига ноқулайлик пайдо қилаётган эди. Фуқаролар депутат Икром Абдуллаевга "Парник" кўчасининг айрим қисмлари яроқсиз ҳолга келиб қолганидан шикоят қилишди. Туман ободонлаштириш бошқармаси раҳбари номига киритилган депутатлик сўрови натижасида ушбу кўчанинг 2 километр қисми асфальтланди. Шу худудда жойлашган 2-умумтаълим мактаби олдидаги йўлга пидедалар қатновига доир ҳамда транспорт воситалари учун белгиланган тезликни кўрсатувчи йўл белгилари ўрнатилди.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Шер Матякубов "Қармиш" қишлоғида ўтказган ўрганишларда "Шикобоғи" маҳалласидаги "Уч ховли", "Илижи" кўчаларининг 2 километрлик қисми таъмирталаблиги, ичимлик суви таъминотини яхшилаш зарурлигини аниқлади. Депутат мазкур муаммолар юзасидан "Туямайин — Урганч" МСФК бошқармаси Янгиарик туман бўлими бошлиғига ҳамда туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари номига депутатлик сўрови чиқарди. Мутасаддилардан келган жавоб хатида қайд этилишича, мазкур вазибалар 2019-2020 йилларга мўлжалланган дастурга киритилди ва вазибалар ижроси депутатлик назоратига олинди.

Ҳазорасп туманидаги "Мухамон", "Наврўз" маҳаллаларида яшовчи фуқаролар электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда депутат Насулла Адамбоевдан амалий кўмак сўради. Электр тармоғида тез-тез узилдишлар бўлиши натижасида хонадонларда маиший техника воситаларининг қўйиб қолиш ҳолатлари учраётгани аҳолининг ҳақиқий эътирозларига сабаб бўлди. Депутат Н.Адамбоев вилоят электр тармоқлари корхонаси раҳбари номига депутатлик сўрови киритгач, муаммо ечим топди. Паст қувватли трансформатор катта қувватли трансформаторга алмаштирилиб, электр энергияси таъминоти изга тушди.

Партия фаолларининг фикрича, аниқланган муаммоларни мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этишнинг ижобий жиҳатлари кўп. Бугунги сазойи-ҳаракатлар одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини, маҳаллалар ободлиги, турмуш фаровонлигини таъминлаш билан бирга бу жараёнларда раҳбар ходимларда масъулият ҳиссини ҳам оширади.

Замира АБДУЛЛАЕВА,  
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Ўрганишларда аниқланган ҳар бир муаммонинг ечим топиши одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилади. Шу мақсадда халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари фуқароларнинг мурожаатларини ижобий ҳал этишга масъулият билан ёндашмоқда.

#### Депутатлик гуруҳи аъзоси

Ориф Эгамов шаҳардаги "Хўжамушкин" МФИ аҳли билан суҳбатлашганида фуқаролар қувурлар носозлиги боис қичинди сувлар юзасидаги кўчаси 11/3, 11/4, 9/2-кўп қаватли уйлари ва 76, 86-сонли мактабгача таълим муассасаларида бу ҳолат муаммо пайдо қилаётгани ҳақида мурожаат қилишди. Шаҳар "Сув-оқава" давлат унитар корхонасига депутатлик сўрови чиқарилгач, ушбу корхона ходимлари томонидан муаммо жойида ўрганилди. Махсус автомашиналар бириктирилиб, қувурлар тўзаланди, натижада оқава сув тизимининг бир меъёردа ишлаши таъминланди. Шунингдек, "Алпомиш" кўчасидаги 9/1, 9/2, 9/3-кўп қаватли уйлари оқава тизимидаги камчиликлар юзасидан йўланган депутатлик сўрови ҳам ижобий натижа берди. Ўрганиш жараёнида "Алпомиш", "Пиридастгир", "Мустақиллик" кўчаларидаги марказий оқава коллекторларнинг сатхи кўтарилганлиги мазкур худуддаги кўп қаватли уйлари оқава тизимларида муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлганлиги аниқланди ва муаммо жойида ҳал этилди.

"Отбозор" МФИнинг "Рухшобод" кўчасидан ўтувчи марка-

зий ичимлик сув қувурларида юзасида келган носозлик ҳолатлари ҳам аҳолида эътироз уйлотаётган эди. Ориф Эгамов мавжуд муаммолар бўйича вилоят "Сув-оқава" давлат унитар корхонасига депутатлик сўрови киритди. Тез орада "Рухшобод" кўчасидаги хонадонларда ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

"Гулчорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Жувозқоғоз" кўчаси 1,2,3-муолишларда истиқомат қилувчиларнинг телефон тармоғига уланиш масаласида қилган мурожаати ҳам О.Эгамов шаҳар телекоммуникация бўлимига депутатлик сўрови киритгач, ҳал этилди.

Депутатлик гуруҳининг яна бир фаол аъзоси Нодира Холовага "Тошмачит" МФИ худудига яшовчи фуқаролар 5/1-кўп қаватли уйнинг сув қувурлари носозлигидан шикоят қилишди. Депутат аралашгач, мутасадди ташкилот томонидан муаммо бартараф этилди.

"Пиридастгир" ва "Қаюм Муртазоев" кўчаларидаги кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи фуқаролар иссиқ сув қувурлари яроқсиз ҳолга келиб қолгани юзасидан депутатга мурожаат қилишди. Нодира Холова вилоят "Иссиқлик манбаи" ДУК раҳбарига де-



путатлик сўрови чиқаргач, тез орада қувурлар таъмирланди. "Намозгоҳ" МФИнинг "Абдурахмон Сомиёв" кўчасида тунги ёритиш тизимлари таъмирталаб аҳволга келиб қолганлиги қайд этилган депутатлик сўровини шаҳар "Ободонлаштириш" бошқармаси мутасаддилари жойига келиб ўрганишда ҳамда тунги ёритиш тизимлари таъмирланди.

Депутат Фарҳод Ихтиёревга "Чорбахоса" маҳалласининг "Анхор", "Талижа" кўчаларидаги хонадонларда яшовчи фуқаролар етказилаётган электр токи пастлиги юзасида мурожаат қилишди. Ф.Ихтиёров шаҳар электр таъминоти корхонасига депутатлик сўрови юборгач, корхона томонидан "Анхор" кўчасида қўшимча трансформатор ўрнатилди. "Талижа" кўчасида эса жорий йилнинг тўртинчи чорагида янги трансформатор ўрнатилди ва депутатлик сўровига

#### Халқ депутатлари Бухоро

шаҳар Кенгаши депутати Дилбар Ҳамдамова жойларда очик мулоқотлар чоғида келиб тушаётган мурожаатлар асосан ичимлик суви, электр таъминоти ва бошқа ижтимоий масалаларга доир эканлиги таъкидлади. Хусусан, фуқароларнинг "Янги обод" МФИ худудидаги "Янги ҳаёт" ва "Карвон" кўчаларидаги сув қувурлари носозлиги ҳақидаги мурожаати вилоят "Сув-оқава" ДУК ходимлари томонидан ҳал этилди.

Ушбу МФИ худудида жойлашган "Карвон", "Толибий", "Янги обод", "Зафаробод" кўчаларидаги хонадонларда яшовчи фуқаролар электр таъминоти билан боғлиқ муаммони бартараф этишда кўмак сўрашди. Д.Ҳамдамова шаҳар электр таъминоти корхонаси раҳбарига чиқарган депутатлик сўровига жавобан мазкур кўчаларда 2019 йилнинг тўртинчи чорагида янги

трансформатор ўрнатилиши ҳақида маълумот берилди.

Бухоро шаҳар "А.Жомий" кўчасидаги кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи фуқаролар болалар майдончаси барпо этиш зарурлигини айтишди. Д.Ҳамдамова вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига юборган депутатлик сўровига ушбу бошқарма раҳбари Зафар Жумаев жавоб йўлаган. Унда қайд этилишича, худудда хизмат кўрсатувчи "Замондош таъмир сервис" ХУЖМШ раиси билан биргаликда мазкур масала ўрганилди. Натижада "Замондош таъмир сервис" ХУЖМШ томонидан болалар майдончаси қуриш вазифаси 2020 йилги манзилли дастурга киритилди бўлди. Албатта, вазифа ижроси жамоатчилик ва депутат назоратида бўлади.

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,  
Бухоро вилоят кенгаши  
матбуот котиби

### ДЕПУТАТ ХАЛҚ ОРАСИДА

Бахт шаҳри билан "Янгиобод", "Иброҳим Каримов", "Ўзбекистон" МФИлари ораллигида бир неча йиллардан буён йўловчи автобуслар қатнови йўлга қўйилмаётгани аҳоли кенг қатламининг эътирозларига сабаб бўлиб келаётган эди. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Салоҳиддин Элмуродов муаммо юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини атрофича ўрганди ва муаммони ҳал этиш мақсадида дастлаб 2016 йил декабрь ойида, сўнгра 2018 йил февраль ойида Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги (ҳозирги "Ўзавтотранс" агентлиги) вилоят бошқармасига депутатлик сўровлари киритди.

2018 йил 22 февраль санаси билан бошқарма бошлиғи О.Эрбеков имзолаган жавоб хати олинди.

Унда қайд этилишича, бошқарма томонидан "Сам-Авто" МЧЖда ишлаб чиқарилаётган "ISUZU" русумли автобуслари, "Ўзавтотранс" МЧЖ томонидан бир қатор қўлайликлар тақлиф қилинган ҳолда вилоятдаги барча корхоналарга, тадбиркорларга лизинг шартномаси асосида сотиб олишга ва ташувчи томонидан харид қилинган автобуслар ҳисобидан Сирдарё тумани, Сирдарё, Бахт шаҳарлари, "Истиклол", "Янги ҳаёт", "Малик" МФИлари йўналишида автобуслар қатновини йўлга қўйиш тақлиф қилинган. Бироқ корхоналар ўзининг молиявий аҳолидан ке-



## Янги автобуслар келтирилди

либ чиқиб, автобусларни лизинг асосида сотиб олиш истагини билдиришмади. Ушбу масала бўйича тадбиркорларга тушунтириш ишларини олиб бормоқда ва автобуслар сотиб олиш истагини билдирган корхоналарга ушбу йўналишда фаолият юритишга амалий ёрдам беришимизни ҳам айтиб ўтмоқда, дейилган. Шунингдек, айтилган йўналишларда "Улугбек Қорабоев" МЧЖ томонидан "Дамас" русумли транспорт воситалари жамланиб, йўналишли такси қатновини йўлга қўйиш ишлари олиб боришмоқда, дея қўшимча маълумот ҳам бериб ўтилган.

Хатда мазкур йўналишдаги автомобиль йўлларини ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига мос ҳолатга келтириш, таъмирлаш ишларини олиб бориш, автомобиль йўлларидаги йўловчи бекатларига қўйиладиган умумий техник таъбирлар бўйича бекатлар қуриш ҳақида вилоят автомобиль йўллар бош бошқармасига мурожаат қилиниши лозимлиги ҳам маълум қилинган.

Шундан сўнг депутат вилоят ҳамда Сирдарё тумани ҳокимликларига ушбу ҳаракат йўналишидаги йўллар ҳолати ҳақида билдириб, кўп ўтмай йўллар таъмирланишига эришиш. Навбатдаги сазойи-ҳаракатлар натижасида вилоят

ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тармоқ ҳадвалига асосан 2019 йилда 11 дона "ISUZU" русумли автобуслар Самарқанддан вилоятимизга олиб келинди.

Янги автобуслар белгиланган тартибда йўналишларга бириктирилиб, айни пайтда бир қатор йўналишларда қатновлар йўлга қўйилди.

— Аҳолининг талаб ва тақлифларини инобатга олган ҳолда яқиндан бошлаб "Сирдарё — Бахт", "Сирдарё — Малик", "Бахт — Гулистон", "Иброҳим Каримов — Гулистон", "Янгиер — Гулистон" йўналишларининг ҳар бирида 2 тадан "ISUZU" автобуслари қатнови йўлга қўйилди, — дейди Ўзбекистон транспорт вазири Сирдарё вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи Шухрат Абдуллаев. — Ушбу автобусларнинг 7 таси "Сирдарё автобус саройи" МЧЖ, 4 таси эса "Гулистон қўйилганига қадар 10 дона "Дамас" русумли автомашина ва 4 дона "Истана" автоулови ўша худудлардаги аҳоли учун хизмат қилиб келаётган эди.

Автобус қатновининг йўлга қўйили-

ши эса аҳоли учун ҳар томонлама қулай, арзон ва сифатли транспорт хизматидан фойдаланиш имконини бермоқда.

— Сирдарё туманидаги 17-умумтаълим мактабига ўқитувчи бўлиб ишлайман, — дейди Бахтиёр Ҳасанов. — Гулистон шаҳрида истиқомат қиламан. Мактабимиз тумандаги чекка худудда жойлашганлиги, бунинг устига автобус қатнови белгиланмаганлиги боис ҳар кун ишга қатнашда ноқулайликлар бор эди. Энди ноқулайликлар барҳам топди, ҳозирда янги, шинам автобуслар узоғимизни яқин қилмоқда. "Адолат" партияси депутати ва бу эзгу ишга бош қўшган мутасаддилардан миннатдоримиз.

Жамоат транспортларига турли ёшдаги аҳолининг эҳтиёжи баланд эканлиги назарда тутсақ, бу хайрли ишнинг ҳаётий аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА,  
Сирдарё вилоят кенгаши  
матбуот котиби



Ошкоралик ва сўз эркинлиги — ҳаётимиз мезони

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ҳар бир инсон ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири нишонланган масканга айланиб, бу ерда Европада вақтинча яшаб келаётган ёки таҳсил олаётган юртдошларимиз никоҳини қайд этиш маросимларини ўтказиш тобора анъана тусини олмоқда, дея хабар беради "Дунё" АА.

Қалбларни туташтирувчи маскан



Элчихонанинг консуллик бўлими фуқаролик муносабатларини расмийлаштириш бўйича кенг ваколатларга эга бўлиб, хоризжда яшаётган Ўзбекистон фуқароларининг қонуний никоҳларини ҳам рўйхатга олмақда. Берлинда жойлашган дипломатик ваколатхонамизнинг ҳашаматли биноси эса ушбу тантаналарни нишонлаш учун жуда мос келади.

Чехия ва Эстония олий ўқув юртрадида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар Акмалиддин Алимов ва Шахло Алихоннова ҳам никоҳни мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида расмийлаштиришга қарор қилди.

— Чехияда таҳсил ола туриб, мен Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси консуллик рўйхатида тураман. Барча консуллик масалаларини, одатда, бу ерда тез ва ўз вақтида ҳал қилиб беришади. Биз элчихонада никоҳдан ўтиш имконияти мавжудлиги ҳақида эшитган эдик. Бундан эса ушбу имкониятдан фойдаланган ҳолда, бу ерда яратилган қулай шарт-шароитлардан мамнун бўлдик, — дейди Шахло.

Ўзбекистоннинг хоризждаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари томонидан кўрсатилаётган кенг қўламли хизмат турларидан бири бўлган ёш оилалар никоҳини қайд этиш бугунги кунда тобора оммалашиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимиз Ватандан олисда бўлишига қарама-қарши, давлатимиз томонидан яратилаётган барча имкониятлардан унумли фойдаланаётганликларини аниқлатади.

"Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятига

Тошкент шаҳар ҳокимлиги журналист Даврон Аҳмедовнинг суриштируви асосида "Adolat" газетасининг 2019 йил 31 май 22-сонида эълон қилинган мақоласида сўз юритилган, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "Гулшан" маданият ва истироҳат боғи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Бугунги кунда, ҳақиқатан ҳам, мазкур боғда аҳолининг қулай дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун боғнинг фаолиятини йўлга қўйиш эҳтиёжи мавжуд.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида мавжуд 23 та маданият ва истироҳат боғларининг 21 таси ташаббускор ташкилотга (тадбиркорларга) замонавий маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш учун давлат-хусусий шерикчилик асосида узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилмоқда ва бу ўз натижасини кўрсатмоқда. Пойтахт аҳолиси тадбиркорлар томонидан маданият ва истироҳат боғларида яратилаётган имкониятлар ва шароитлардан ўз мамнулигини билдирмоқда.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "Гулшан" маданият ва истироҳат боғи 2013-2014 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилган. Тошкент шаҳридаги мавжуд боғлар молиявий жиҳатдан ўзини-ўзи қоплашини инobatга олган ҳолда сўнгги йилларда мазкур боғқа туман аҳолисининг келиш оқими камлиги, боғни сақлаш ва замонавий аттракционлар билан таъминлаш бўйича ички имконияти мавжуд эмаслиги, ўзини молиявий оқламаётганлиги сабабли боғнинг фаолияти вақтинча тўxtатилган.

Айни вақтда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "Гулшан" маданият ва истироҳат боғини замонавий кўринишга келтириш, дам олувчиларга қулай шарт-шароит яратиш учун ташаббус кўрсатаётган ташкилот ва инвесторларнинг лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

"Инвесторлар куни" доирасида ташаббускор тадбиркорларнинг лойиҳаси маъқулланган тақдирда, белгиланган тартибда лойиҳачи ташкилот (тадбиркор)лар билан давлат-хусусий шерикчилик асосида узоқ муддатли ижара шартномаси тузилишини ҳамда тез орада "Гулшан" маданият ва истироҳат боғининг фаолияти йўлга қўйилишини маълум қиламиз.



Апрель ойининг бошлал тахририятига мактуб келди. Мактубда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Ашиер Навоий, Шукр Бурҳоннов, Ноҳир-беғим номларидаги "Баҳор", "Шўгрепа", "Катта қорасу" каби маҳаллалар аҳолиси ўзлари яшаётган ҳудуддаги "Гулшан" маданият ва истироҳат боғи ички йилдан бери фаол равишда юртимизнинг ҳақида ёнишгани. Мактубда, жумладан, бундай дейилади:

Эслатма: Газетамизнинг 2019 йил 31 май сонида журналист Даврон Аҳмедовнинг "Гулшан боғининг кулфи қачон очилади?" сарлавҳали танқидий мақоласи эълон қилинганди. Тахририятимизга Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Шукуров имзоси билан 2019 йил 12 июнда келган расмий жавобда "Гулшан" боғини ишга тушириш билан боғлиқ ишлар амалга оширилаётгани маълум қилинганди. Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Ш.Иргашев имзоси билан 2019 йил 1 июлда фуқаро Д.Каримбердиевга келган расмий жавобда "Гулшан" боғининг очилганлиги, у ерда маданий ҳордиқ чиқариш имконияти борлиги маълум қилинган. Демак, фуқаронинг арзи ҳам, матбуотнинг сўзи ҳам инobatга олинибди. Энг муҳими, боғ шаҳар аҳли учун яна хизмат қила бошлабди.

Э.ШУКУРОВ, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари

Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-2 мавзеси 38-уй, 39-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Д.А.Каримбердиевга

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти почтаси орқали 2019 йил 7 июндаги № 23224-pp/19 (07/2065) тартиб рақами билан рўйхатга олинган муружаатингиз юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Сизнинг муружаатингиз бўйича Мирзо Улуғбек тумани Маданият бўлими мудири муаммони ўрганиб чиқиб, шунга маълум қиладики, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "Гулшан" номидаги маданият ва истироҳат боғи 2013-2014 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилган.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "Гулшан" номидаги маданият ва истироҳат боғини замонавий кўринишга келтириш ва дам олувчиларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ҳудуддаги чиқиндилар тозаланиб, дарахларга шакл берилди. Боғнинг кириш эшикларини очиб қўйилди ва ушбу боғ ҳудудига ташриф бууриб, маданий ҳордиқ чиқариш имконияти борлигини маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тўғрисида"ги УРҚ-445-сонли қонунига асосан, агар Сиз мазкур жавобдан норози бўлсангиз, юқори туручи ташкилот ёки суд органларига муружаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигингизни эслатиб ўташим.

Ш.ИРГАШЕВ, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими

"Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятига

"Adolat" ижтимоий-сиёсий газетасининг 2019 йил 10 май куни 19(1240)-сонида чоп этилган "Ургут тиббиёт коллежида нима гап ёки раҳбарлик масъулияти ва устоз-шогирдлик одоби ҳақида" номили мақолада келтирилган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019 йил 8-10 июнь кунлари ишчи гуруҳ сафарбар этилди ва Ургут тиббиёт коллежи фаолияти ўрганилди.

Ўрганиш давомида мақолада келтирилган ҳолатлар қисман ўз тасдиғини топди. Ҳақиқатан, Ургут тиббиёт коллежида таълим-тарбия жараёни ташкил этилишида коллеж раҳбар ҳодимлари томонидан (директор, маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари) ўз лавозим вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашилган. Директор ва ўринбосарлари томонидан лавозим вазифаларида белгиланган бир қатор ишлар лозим даражада бажарилмаганлиги инobatга олиниб, Ургут тиббиёт коллежи директори (М.Фазлиев)га, маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари (Ф.Мансуров)га Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 27 июнь 239-к-сонли буйруғи билан "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди.

(Республика соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи илова қилинди).

Ў.ИСМАИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бош бошқармаси бошлиғи

"Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятига

Газетанинг 2019 йил 5 июлдаги 27-сонида чоп этилган "Директор йўловчи ташиса... Ҳайдовчи нақд пулга ишласа... Муаммо ечим топадими?" сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрида автобусларда йўловчи ташис фаолияти билан шуғулланувчи 19 та ташкилот томонидан шаҳарнинг 58 та автобус йўналишларида 461 та автобуслар, микроавтобусларда йўловчи ташис фаолияти билан шуғулланувчи 2 та ташкилот томонидан 4 та шаҳар йўналишли такси йўналишларида 50 та микроавтобуслар ҳамда йўналишсиз таксиларда йўловчи ташис фаолияти билан шуғулланувчи 108 та ташкилот томонидан 3080 та йўналишсиз таксилар билан йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиб келинмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда Самарқанд шаҳридаги автокорхоналарда ҳайдовчиларнинг аксарияти республикадан ташқарига ишлаш мақсадида чиқиб кетётганлиги натижасида 400 дан ортиқ малакали ҳайдовчилар етишмайди. Айни пайтда Самарқанд шаҳри кўчаларида ноқонуний равишда йўловчи ташис фаолияти билан шуғулланаётган (2000 дан ортиқ) автотранспорт воситаларининг кескин кўпайиб кетиши, лицензияланган автотранспорт воситаларининг ўз навбатида 3080 тани ташкил этаётганлиги ҳам бундай ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрининг айрим кўчаларида таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги ва транспорт воситаларининг сезиларли даражада кўпайиб кетганлиги сабабли шаҳар йўналишларидаги автобусларнинг оралиқ интерваллари 10 дақиқадан 30 дақиқачага чўзилиб кетиши ҳолатлари ҳам кузатилаётган.

Эҳтиёт қисмларнинг ҳамда ёқилғи-мойлаш материалларининг қимматлашиб кетганлиги, ҳайдовчилар етишмаётганлиги, мактаб, коллеж, олий таълим муассасаларидаги ўқишлар тугаб, таътил даври бўлганлиги сабабли йўловчилар оқимининг камлиги натижасида автокорхоналарнинг молиявий аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда.

Сизга шунга маълум қиламизки, "Adolat" газетасининг 2019 йил 5 июлдаги 27-сонида чоп этилган "Директор йўловчи ташиса... Ҳайдовчи нақд пулга ишласа... Муаммо ечим топадими?" сарлавҳали мақола шаҳарда автобусларда йўловчи ташис фаолияти билан шуғулланаётган ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди, мақолада келтирилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ташкилотлар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди ва назоратга олинди.

(Самарқанд шаҳрида автобусларда йўловчи ташис фаолияти билан шуғулланаётган ташкилотлар раҳбарлари билан ўтказилган йиғилиш баёни ҳам илова қилинди).

И.ХАМРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Самарқанд вилояти транспорт бошқармаси бошлиғи

ТАФАҚҚУР

Ватан ва ватанпарварлик ҳақида

Ватансиз инсон — навосиз булбул.

Душманга нафрати бўлмаганинг Ватанга муҳаббати бўлмас.

Ёридан айрилган етти йил йиллар, Юртидан айрилган ўлгунча йиллар.

Ёрингни гул орасидан изла, Эркингни — эл орасидан.

Йигит ғами элида, Элниг ғами дилида.

Киши ерида султон булгунча, Ўз элингда чўпон бўл.

Киши юртида шох булгунча, Ўз юртингда гадо бўл.

Кўрпанг қаерда бўлса, Кўнглинг шу ерда.

Нон гадоси бўлсанг ҳам, Юрт гадоси бўлма.

Она ернинг тупроғи — она сutiдан азиз.

Она юртинг — олтин бешигинг.

Сувчи берсанг элга, Яшарсан минг йилга.

Туққан элга жон тортмаса ҳам, қон тортар.

Туғилган ердан кўнгли узилмас, Юрт кўриганинг юрти бузилмас.

Абитуриентлар мобил восита орқали рўйхатга олинмоқда

Олий ўқув юртига ўқишга кириш истағида бўлган абитуриентларнинг рўйхатга олиш хизматини энди мобил восита орқали ҳам амалга ошириш мумкин, деб хабар бермоқда Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси.

Жорий йилда абитуриентлар ҳар йилгидан кўпчилиги ва қабул комиссияларида навбатлар кўпайиб кетгани сабабли 9 июлдан бошлаб марказларда 24 соатлик режимда хизматни кўрсатиш йўлга қўйилди. Натижада кейинги икки кун давомида туман ва шаҳарлардаги ДХМлар орқали 4200 дан ортиқ абитуриент рўйхатдан ўтди. 10 июль куни кун-

нинг иккинчи ярмидан бошқармаимизнинг давлат хизматлари кўрсатишга мослаштирилган автобуси орқали абитуриентларнинг рўйхатга олишда кўп навбат кузатилаётган жойларда ҳам иш бошлади.

Автобусда бир вақтнинг ўзида уч нафар абитуриентни рўйхатга олиш имконияти мавжуд. Таълим муассасасини аввалги йилларда битирган



абитуриентлар тўлайдиган тўлов ҳам шу ернинг ўзида қабул қилинмоқда. Айни пайтда автобус ёрдамида Университет хизбида ёшларга хизмат кўрсатилмоқда.

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

Тахрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ

Тошўлат МАТИБАЕВ, Таълаб МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Ашиер ШОДМОНОВ, Шухрат ЯКУЕВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибиёт — 71 288-42-14 (144); Аxbорот, ҳуқуқ ва халқар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова, Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 2018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз ёнини А-2. Ҳажми — 4 босма табақ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700. 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган. Тахрират мазмуни: 100043. Тошкент шаҳри, Чилонор тумани «Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй. info@adolatgz.uz adolatgz-95@mail.ru

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



Тахриратта келгн қўғамлар таърир қилинмайди ва муаллифта қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрират жавобар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобар.